

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОБЛАСТЬ САНОАТЧИЛАРИ ЗАФАРИ

Пойтахт области саноат корхоналарининг коллективлари ўн иккинчи йилда КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан социалистик мусобақани авж олдириб, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва кўпчилик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича 1978 йил биринчи квартал планини мўддатдан илгари — 29 мартда бажарди.

Область меҳнатчилари Москва шаҳридаги илгोर корхоналар коллективларининг шу йилнинг 22 апрелида В. И. Ленин туғилган кўнунинг 108 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги тағабустарини кеп қўлаб-қуватламоқдалар.

Область саноат корхоналари коллективлари биринчи квартал охиригача яна ўнлашча миллион сўмлик саноат маҳсулотини ишлаб чиқарадилар ва реализация қиладилар.



Тошкент тўқимачилик комбинатида «Касб бўйича энг илгори» номини олиш учун конкурслар ўтказиб туриш аъзага айланиб қолган. Яқинда корхонада ёш контролерларнинг шундай мусобақаси ўтказилди. Унда Татьяна Шевченко биринчи, Феруза Бобоева иккинчи, Ҳабиба Қосимова эса учинчи ўринни олдилар. Суратда: конкурс ғолиблари (чадан) Феруза Бобоева, Татьяна Шевченко ва Ҳабиба Қосимова.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎЗТАГ).

ЧИГИТНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЭКАМИЗ

Колхозимизда ўтган ҳўжалик йилининг якуни ёмон бўлмади. Юбилей йили меҳнат вахтасида туриб ишлаган деҳқонларимиз юз берган табиий қийинчиликларни мардонавор енгилар. Мўл пахта, дои, сабзавот маҳсулотини етиштириб йилни самарали ақувладилар. Масалан, 2620 ўринга 2986 тонна пахта етиштирилди. Ҳар гектар ердан 36,4 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ушбу ҳосилнинг 2304 тоннасини машина билан терилди.

Илгори бригада аъзолари об-ҳавонинг нуқудайи келишига қарамай мўл пахта ҳосили олдилар. Суннат Тошхўжаев бошлиқ бригада аъзолари 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56 центнердан «оқ олтин» топширдилар. Ҳ. Сунатов, М. Абдуллаева, В. Умаров бошлиқ бригада аъзолари ҳам 38—42,2 центнердан хирмон кўтариб, яхши натижаларга эришдилар.

Умуман пахтачилликдан ишлаб чиқариш планига кўзда тутилгандан 330 минг сўм кўп даромад олинди. Колхозчиларимизнинг бир йиллик ўртача даромадлари 2512 сўмга тўғри келди.

Колхозимизда маккажўхориқорлик, пилез етиштириш бригадалари ҳам дуруст ишладилар. Атлас Илёсов бошлиқ маккажўхориқорлик бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 100 центнердан дои олдилар. Қизил Сей бошлиқ бригада аъзолари пилез ҳосилдорлигини 182 центнерга етказдилар. Юбилей йилида ҳўжалиқимизнинг илгориладан 20 киши социалистик мусобақа ғолиби ишони билан тақдирланди. 4 киши енгил машина билан мукофотланди.

Соғлом қўчат мўл ҳосил қилиш. Бу амалда синовдан ҳақикат. Чунки, оқувват қўчат етиштиришдан туриб мўл ҳосил тўғрисида уйлаш бехуда.

Биз ҳар йили 8 та устига пленка епилган енгил тилдаги секцияда эртаки сабзавот қўчатларини етиштиришимиз. Ўтган йили ана шу секцияга 15 килограмм эртаки қарам уруғи — сепган эдик. Уруғини беками-қуст ундириб олиб, далачилик бригадаларига етказиб бермоқдамиз.

Биз асосий эътиборни қўчатларни бўйига ўстириб юбормоқдан, бақувват қилиб етиштиришга қаратдик. Бу жуда муҳим, аммо масъулиятли вазифани колхозчилар, мутахассислар қанчалик тадбиркорлик билан амалга оширишлари натта аҳамиятга эга. Қарда ўз вазифини адо қилишдан бешошанинг ҳисобидан, ҳосил тақдирини тўла тушуниб етатиладиган кишилар ишлаётган бўлса, ана шу ерда иш қўйиладигандек боради. Соғлом қўчат етиштириш, мўл ҳосил учун пухта замин яратилди.

Биз қўчатларни говлатиб юбормаслик учун теплицадаги ҳароратни 10—15 даражада, намликни эса 60—70 процентда сақлаб турдик. Кундуз кунлари теплица ичига 70—75 шамолатиб турамиз.

Теплицада, айниқса, намликни ошириб юбормаслик керак. Қўчатларга сувни тез-тез, оз-оздан берган маъқул. Бу тадбир ҳам қўчатнинг илтириқ бўлиб қолишининг олдини олади.

ИҚТИСОДИЙ РЕЖИМ АСОСИДА

ТОШКЕНТдаги 1-ўйсозлик комбинатида қарашли биринчи завод коллективлари бу йил ўтган йилга нисбатан ўн беш минг кубометр кўл темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришнинг асосий омилларидан бири тежамкорликдир. Завод бош энергетиги Рустам Умаров шундай дейди:

— Заводимиз коллективини Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақани авж олдириб, юбилей йилида катта муваффақиятларга эришдик. План ва мажбуриятларимизни мўддатдан илгари адо этиб, 163 минг кубометр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқардик. Тежамкорликка алоҳида эътибор берилди. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь пленумида таъинлаб ўтилгандек, тежамкорлик — коммунистик меҳнат ҳислатларидан биридир. Ўтган йили тежаб қилинган электр энергияси ва материаллар ҳисобида учта 56 квартирани уйга етатиладиган темир-бетон конструкциялари тайёрланди.

Биз 1978 йил учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилдик. Технологик чиқиндиларни камайитириш, янги конструкция ечимларини ҳамда ишлаб чиқариш технологиясининг янада тақсимлаштирилган ярабларини янги етиш ҳисобига 520 тонна металл, 690 тонна цемент, минг тоннадан ортиқ ёқилғи, 687 минг киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинади. Ҳар бир иш жойида металл ва цемент қоринмаси, электр энергияси ва ёқилғининг исроф бўлмаслигини назорат қилиш учун ишчилардан иборат тежамкорлик комиссиялари тўзилди. Комиссиялар составига ишлаб чиқариш илгорилари ва новаторлар, етакчи мутахассислар киритилди. Хуллас, ҳар бир участкада иқтисод қилиш учун резервлар бор. Ана шу резервларни ишга солиш бизнинг биринчи гаддаги вазифамиздир.

М. АБДУЛЛАЕВ,
Чиноз районидаги К. Маркс номи колхоз раиси.

Ш. АЛИМОВ.

№ 62 (6180).

30

МАРТ

ПАЙШАНБА

1978 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ Москвадан жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев сафарга жўнаб кетди. У сафар вақтида Сибирь ва Узоқ Шарқдаги бир қанча шаҳарларда бўлади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сафарига КПСС Марказий Комитети Сибирь бюросининг аъзоси, СССР Мудо-

фаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудри Л. М. Замятин унга ҳамроҳ бўладилар.

КПСС Марказий Комитети Сибирь бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. Ф. Кулаков, К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сибирь бюроси аъзолигига нандидатлар А. М. Александров, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов, Темир йўллар министри И. Г. Павловский, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Само-теини воқалда Л. И. Брежневни кузатиб қолди-

лар. (ТАСС).

САБЗАВОТКОРЛАР ЕНГ ШИМАРДИЛАР

Сабзавоткору, соҳибкорлар баҳори бу йил ҳар қанчадан эрта бошладилар. Улар ердан қор кетини билан далага отлангилар. Баҳорини эрта қарийлаб, унга пешвоз чиққанлар қаторида Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг миришкорлари ҳам бор.

Собиржон Эргашев бошлиқ бригада аъзолари бу йил 45 гектар ерда деҳқончилик қилишляпти. 40 гектар ерга эртаки экинлар экилади. Бригада миришкорлари эртаки экинларини йиғиштириб олган, ўринга тақдирини экин экишляпти. Бир ердан икки ҳосил олиш уларнинг бу йилги шiori. Ана шунда улар ўз экин-

маларига олган 1000 тонна сабзавот етиштиришдек мажбуриятларини шараф билан бажаришляпти.

Фақат бу бригада дала-сидагина эмас, Тожи Арслонова, Иштиро Ирисбекова, Гофир Имматов, Тожибой Файзиев, Жалол Ҳикматов бошчилик қилётган бригадаларда ҳам ишлар авжида.

Миришкорлар эртаки экинлар экишни қизитиб юборганлар. Дастлаб экинлар майдонлардаги экинлар парваришига киришляпти.

Деҳқоннинг қалбидек кенг ва беғубор даладарда иш қизиги.

Ю. ЗНЕДОВ.

(Газетамизнинг 4-сифатида шу колхоздан фотоларда берилган).

29 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев поезд ўтиб борган йўллар — Кировда, Удмуртия АССР териториясида. Пермда бир оз тўхтаб ўтди. КПСС Киров область партия комитетининг биринчи секретари И. П. Беспалов, КПСС Удмуртия область комитетининг биринчи секретари В. К. Марисов, КПСС Пермь область комитетининг биринчи секретари Б. В. Коноплев Л. И. Брежневни самимий табриқладилар.


Леоид Ильич Брежнев тўхтаган жойларда уни шаҳар ва районларнинг аҳолиси сиздиқидан табриқладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев беш йилликнинг, учинчи зарбдор йилида КПСС Марказий Комитети ўртага қўйган вазифаларни бажаришда меҳнаткашларга катта меҳнат муваффақиятлари тилаб билдирган истақларини уларга етказишни область партия ташкилотларининг раҳбарларидан илтимос қилди.

(ТАСС).

Юбилей йилида пахтага ишлов берин агротехникасини тақомиллаштириш, ўсиш даврида ва етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда механизация воситаларидан самарали фойдаланиб ҳосилдорлигини кескин оширишга эришганлиги учун Оққўрғон районидagi «Ленинград» колхозининг моҳир пахтакори Таласбой Гагазов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган шарафли унвонга эга бўлди. Бу юксак мукофот у бошлиқ бригада аъзоларини янада юксак марралар сари руҳлантириб қўярди. Улар беш йилликнинг зарбдор йилида ҳосилдорлигини 55 центнерга етказиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар. Айни кунларда бригада даладарда чигит экиш қизиги.

Х. Аввазов фотоси.



«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК»

ТЎЛҚИНИДА

ТЕЖАМКОРЛИК ФОНДИГА

Тошкент агрегат заводида «Қизил шанбалик» ҳисоби тежамкорлик фонди кун сайин қўйилиб бормоқда. Корхонанинг барча цехлари ва бўлимлари электр ва иссиқлик энергиясини, ёқилғи, сувни илжон борича кўпроқ тежаб қилиш учун иштирокчи: бу завод меҳнат аҳли 22 апрель кун маҳсулотнинг ҳаммасини тежаб қилинган ресурслар ҳисобига ишлаб чиқаришга аҳд қилган. И. Семенов ва Г. Русаков, мастер бўлган участкалар айниқса катта ютуқларга эришдилар. Улар шунча электр энергиясини тежаб қилишдики, бу энергия меҳнат байрами кунини оддий норматив қўрсаткичларини бир неча процент ошириб бажариш учун етарлидир. Тоқар Бекмурзаев ва фрезерчи Бақдор Айманов смена топшириқларини 120—130 процент бажаришга қарор қилдилар. Ленинча шанбаликда қарор икки минг киши — заводнинг бутун коллективини иштирок этади.

ҚЎШИМЧА ТЎРТ МИНГ СЎМ

Тошкент «Утқун» тўқимачилик-талатерия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 900 дан кўпроқ ходими Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалик кунини ўз иш жойларида меҳнат қиладилар. Улар оддий кунлардагидан тўрт минг сўмлик кўп — 63 минг сўмлик тасма, дуррача ва бошқа буюмларини чиқариш мажбуриятини олдилар. Бутун ўсишга меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришляпти. Корхонанинг энг яхши тўқувчиси, ҳозир 1980 йил ҳисобига ишлаётган В. В. Ишкова «Коржомали меҳнат байрами кунини» да икки баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди. Бирлашманинг ўнлаб меҳнаткашлари бу йлгўр ишчидан иборат олиб, 22 апрель кунини смена топшириқларини ортиқ билан бажариш мўлжаллаб турибдилар. «Утқун» бирлашмасининг галатериячилари «Қизил шанба» кунини буюмларнинг қарийб 20 процентини тежаб қилинган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарадилар.

(ЎЗТАГ мухбири).

СОҒЛОМ ҚЎЧАТ—МЎЛ ҲОСИЛ

Колхозимизда 1974 йилда бери пленка остида сабзавот етиштирилмоқда. Ҳосил барвақт ишлади. Шаҳар аҳолисида апрель ойининг охиридаёқ қарам маҳсулотини етказиб берилди.

Қатор бригадаларда пленка остига олиб экилган қарам ҳосилдорлиги гектар бошига 30—38 тоннани ташкил етляпти.

Бундай ютуқлар сифатли қўчат етиштирилганлиги, қор-

лаверса колхозчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли қўлга киритилляпти.

Биз бу йил қўчатни февраль ойидаёқ пленка остига олиб ўтказдик. Шунинг алоҳида қайд қилиш лозимки, қўчат қанча эрта экилса ҳосилдорлиги шунча ошиб бораверади. Масалан, Ш. Маҳмадов бошлиқ бригадала 1974 йил 13 мартда синаш учун экилган қарамнинг ҳар гектаридан ўртача 28

тоннадан, 1975 йил 7 мартда экилган қарамнинг ҳар гектаридан 30,5 тоннадан, 1976 йил 28 февралда экилган 31 тоннадан, ўтган йил 17 февралда экилган қарамнинг ҳар гектаридан 38 тоннага етказиб ҳосил олинди.

Шу нарса характерлики, бу бригадада эртаки қарам етиштириш ўрнига экилган қарамнинг ҳосилдорлиги 120 центнерга етказилди.

З. ФАХРИДИНОВ,
Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхоз теплица ҳўжалиқининг бошлиғи, республикада хизмат қўсатган агроном.

